

2023-YIL — INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ
КОНСТИТУЦИЯ АМАЛДА

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг 30 апрель кунда ўтказилган референдум яқунлари-га оид қабул қилган қарорига кўра “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган деб тан олинди. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси жорий йилнинг 1 май кунидан расман кучга кирди.

Дастлабки лойиҳаси деярли бир ярим йилдан ортиқ вақт мобайнида кенг жамоатчилик ҳамкорлигида муҳокама этилган ва 220 мингдан ортиқ тақлифлар асосида 65 фоизга янгиланган Конституция учун овоз бериш, айтиш жоизки, биз кутгандан ҳам юқори даражада бўлиб ўтди. Бунинг учун республикамиз микёсида ташкил этилган ўн мингдан ортиқ референдум участкаларида ушбу сиёсий тадбирни халқаро талаблар даражасида ўтказилишини таъминлаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилди.

Марказий Сайлов комиссияси эълон қилган маълумотларга кўра референдумда овоз бериш учун рўйхатга олинган 19722809 нафар фуқароларнинг 16667097 нафари референдум куни овоз беришда иштирок этиб, ўз муносабатларини билдирганлар. Бу умумий рўйхатга киритилган овоз бериш ёшидаги фуқароларнинг 84,51 фоизини ташкил этади.

Референдумга қўйилган масалани ёқлаб “ха” деб овоз берганлар сони 15034608 нафар бўлиб, умумий овоз берган фуқароларнинг 90,21 фоизини ташкил этди. “Йўқ” деб овоз берганлар сони эса 1558817 нафар (9,35)ни ташкил этди. 73672 та бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилди.

Мазкур рақамлардан кўриниб турибдики, бир ярим йил янги тахрирдаги Конституция лойиҳаси муҳокамасида фаоллик кўрсатган, ўз келахаги, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган халқимиз референдум кунда ҳам яна бир бор ҳамжиҳатлик асосида юртимизда

амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга, эртанги кунимизга, Бош Қомусимиз — янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига нисбатан изчил позицияларни ҳаққоний намоиш эта олдилар.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган умумхалқ овоз бериш тадбирида бутун мамлакатимиз фуқаролари қаторида туманимиз аҳолиси ҳам фаол иштирок этиб конституцион ҳақ-ҳуқуқ ва бурчларини адо этдилар. Туман микёсида ташкил этилган 53 та референдум участкаларида куннинг ярмига бормай овоз беришда рўйхатга олинган фуқароларнинг 60 фоизидан ортиги овоз беришга улгурганлари фикримиз тасдиғидир. Бундай фаоллик ҳатто энг узок тоғли худудларимизда ҳам бирдек қайд этилди. Умумий тартибда референдумда овоз бериш жараёнида иштирок этган бойсунликларнинг 96 фоизга яқини янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ёқлаб “ха” деб овоз бердилар.

Янги тахрирдаги Конституциянинг кучга кириши — бу энг аввало халқимиз хоҳиш-иродасининг ҳосиласидир. Конституция учун овоз бериш баробарида мамлакатимиз фуқаролари ўз келажаклари, фарзандларимизнинг бахти-қоли, бир сўз билан айтганда Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон юртимизнинг халқаро майдонда бундан кейин ҳам юксак эътирофларда бўлишлигини кафолатлаш сари дадил қадам қўйдилар. Зеро, Бош Қомусимизга киритилган барча ўзгаришлар ва янгиланишлар халқимиз манфаати йўлида амалга оширилаётган ислохотларимиз самараси ўлароқ мамлакатимизнинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида дунё айвонида янада буй кўрсатишига хизмат қилиши муқаррар.

Шахноза МАМАЮСУПОВА,
Термиз Давлат университети ўзбек филологияси факультети сиртқи бўлим, 4-курс талабаси.

Xalq deputatlari tuman Kengashining navbatdagi LXIII-sessiyasida sektor rahbarlarining hisobotlari muhokama etildi. Ushbu masala yuzasidan 1-sektor rahbari — tuman hokimi B.Shukurov, 2-sektor rahbari — tuman prokurori M.Hayitov, 3-sektor rahbari tuman IIB boshlig'i F.Murtazoyev hamda 4-sektor rahbari-tuman Davlat soliq inspeksiyasi rahbari B.Akramovlarning 2023-yilning 1-choragida sektorlar bo'yicha amalga oshirilgan ishlar yuzasidan axborotlari eshittilib, muhokama qilindi.

Sessiyada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Boysun tumanidagi Xalq qabulxonasi mudiri Sh.Qodirovning "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining" Aholi muammolari bilan ishlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2019-yil 17-yanvardagi PF-5633-sonli Farmonining tumandagi ijrosi yuzasidan qilgan axboroti ham qizg'in muhokamalarga sabab bo'ldi. Xususan, ma'ruzachi o'z so'zida tumanda sektorlar kesimida aholi murojaatlari doirasida joylardagi mavjud

УЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 6750 нафар бойсунликларнинг 3750 нафари буюк ғалабадан сўнг туғилган заминга қайтиб, тинч ҳаёт нашидасини сўйган эдилар.

Бугунгача уларнинг икки нафари биз билан умргузаронлик қилмокда. Ҳа, уларнинг сафи тобора сийраклашиб бораётган бўлса-да, ҳамиша ҳурмат-эътиборга сазовор. Байрам арафасида Президентимизнинг табри-

гию ва бир марталик бериладиган 18 миллион сўмлик мукофот уларга аталган. Сайроблик уруш иштирокчиси Жумакул Куллиев ҳозир юз ёшда. Дарбандлик Шоймардон Ҳамроев эса сафдошидан икки ёш катта бўлса-да, сўраганингизни айтиб бера олади.

Дарҳақиқат, Хотира ва қадрлаш айёми муносабати билан сана арафасида кенг жамоатчилик вакиллари ана шу отахонларнинг ҳонадониди бўлиб, бир пиёла чой ус-

тида мириқиб суҳбатлашдилар. Ўтганларнинг хотираси ёдга олинди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Исмоилов ҳамда вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари ва ҳарбий хизматчилар собиқ жангчиларга Юртбошимизнинг табригини етказаркан, уларга берилдиган пул мукофоти ҳамда вилоят ИИБ, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари-

ни топширдилар.

Ўзаро суҳбат онлари анчагача давом этди. Фақат эзгу ишлар, ўтганларнинг хотираси тилга олинди. Айниқса, дарбандлик уруш қатнашчиси Шоймардон Ҳамроевнинг “Бугун уруш ҳақида эмас, ҳозирги ҳаёт тўғрисида гапирмоқчиман. Белоруссиядан Олмониягача бўлган ерлари душмандан тозалаш жанглари эсласам ҳалок бўлган сафдошларим, уруш даҳшатлари юрагимни ўртади. Бугун эса бахтиёр ҳаёт оғушидаммиз. Нафақат уруш қатнашчилари ёки бугунгача етиб келолмаганлар хотираси, балки тинч қурилиш даврида хизмат кўрсатаётганларнинг бугунги меҳнатини қадрлашни яна қайси юртда бор” деган фикрларидан беихтиёр тўлқинланасан, киши.

Иккинчи Жаҳон уруши даҳшатларига гувоҳ бўлганлар ҳонадонидида учрашувда туманимиз раҳбари Боҳадир Шукуров ҳамда бошқа жамоатчилик вакиллари ҳам ташриф буюриб, собиқ жангчиларни қутлаб, совға-саломлар топширдилар.

Юнус ХОЛИЁРОВ,
туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра мамлакатимизда жорий йилнинг 9 июлида мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентлиги учун сайлов ўтказилиши белгиланган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда жорий йилнинг 10 май кунидан Президент сайлови кампанияси бошланганлигини эълон қилди.

Унга кўра тегишли тартибларга асосан жорий йил 15 майгача сайлов округларини ва 25 майгача сайлов участкаларини тузиш белгиланган. Шунингдек, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ҳам тузилди.

Республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар ўз ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш учун сайлов кампанияси эълон қилингандан кейин уч кун мuddат ичида Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиши керак бўлади. Сайловга иштирок этиш учун партиялар 15 майгача тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари зарур.

Президентликка номзодлар эса 17 май-1 июнь оралиғида кўрсатилиши белгиланган.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан юртимизда ўтказилган тадбирлар нафақат ўтганларнинг руҳини хотирлаш, балки ҳозирда умргузаронлик қилаётган кекса авлод вакиллари билан дийдорлашув онлари билан боғланди. Туман ҳокимлиги, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда аффон жангчилар уюшмаси ташаббуси билан “Шаршара” ресторанида уюштирилган “Хотира муқаддас, инсон азиз” мавзуидаги тадбирда жамоатчилик вакилларида ташқари ички ишлар бўлими фахрийлари, байналминалчилар ҳамда турли соҳа фахрийлари иштирок этиб, бир пиёла чой устида марокли суҳбат ўтказдилар. Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Боҳадир Шукуров, нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Эшдавлат Тошбоев, фахрий Жалол Раҳмоновлар хотиранинг муқаддаслиги, инсон қадрини улуғлаш борасида

тўхталдилар. Санъаткорларимизнинг куй ва қўшиқлари остида

“ШАРШАРА”ДА ЭЗГУЛИК ТАДБИРИ



анчагача давом этди. Шунингдек, хотира ва қадрлаш байрами муносабати билан “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан икки нафар уруш қатнашчиларига қимматбаҳо совғалар топширилиб, соғлигини тиклаш ва молиявий кўмакка муҳтож оилаларга амалий ёрдам берилди.

Абдуҳафиз ОЧИЛОВ,
туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳисобчиси.

Boysun tumanining XALQ DEPUTATLARI BOYSUN TUMAN KENGASHINING QARORI
“Kosiblar”, Dashtig'oz, Yuqori Machay, Bibishirin va Gaza mahalla fuqarolar yig'inlaridagi ayrim ko'chalarning nomlarini o'zgartirish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasining “Geografik obyektlarning nomlari to'g'risida”gi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 16-oktabrdagi 295-son “Geografik obyektlarning nomlari to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq geografik obyektlarning nomlari sohasidagi ishlarni tartibga solish chora-tadbirlari haqida”gi Qarori ijrosini ta'minlash maqsadida Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha tuman komissiyasining 2022-yil 12-dekabrda 01-11/17208-sonli yig'ilish bayoni, Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha viloyat komissiyasining 2022-yil 30-yanvardagi 07-18/541-sonli yig'ilish bayoni hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining 2023-yil 8-fevraldagi 08-00956-sonli “Geografik obyektlarga nom berish va ularni qayta nomlash to'g'risidagi takliflarning qonun hujjatlari talablariga muvofiq qayta davlat ekspertizasi xulosasi to'g'risida”gi yig'ilish bayonlarini ko'rib chiqib, “Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 6-moddasiga asosan xalq deputatlari tuman Kengashi

QAROR QILADI:

1.Boysun tumanining “Kosiblar”, Dashtig'oz, Yuqori Machay, Bibishirin va Gaza mahalla fuqarolar yig'inlaridagi ayrim ko'chalarning nomlarini o'zgartirish to'g'risida”gi Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha tuman komissiyasining 2022-yil 12-dekabrda 01-11/17208-sonli yig'ilish bayoni, Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha viloyat komissiyasining 2022-yil 30-yanvardagi 07-18/541-sonli yig'ilish bayoni hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining 2023-yil 8-fevraldagi 08-00956-sonli “Geografik obyektlarga nom berish va ularni qayta nomlash to'g'risida”gi yig'ilish bayonlari ma'qullansin.

2.Tumanda nomlari o'zgaradigan ko'chalarning ro'yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3.Davlat kadastrlar palatasi tuman filiali (M.Jo'rayev), tuman statistika bo'limi (A.Saidov) tuman hokimligi bilan birgalikda nomlari o'zgartirilgan ko'chalarni, shuningdek yangidan nomlangan ko'chalarni davlat ro'yxatidan o'tkazish va elektron bazani shakllantirish, ish yuritish hujjatlariga tegishli o'zgartirishlar kiritish bilan bog'liq barcha tadbirlarni amalga oshirsin.

4.Tuman ichki ishlar bo'limi (F.Murtazoyev) nomlari o'zgartirilgan ko'chalarda yashovchi aholining fuqarolik pasportlari manzillariga, mazkur hudud aks ettirilgan yo'l belgilariga tegishli o'zgartirishlar kiritish ishlarini tashkiliy ravishda amalga oshirsin.

5.Tuman qurilish bo'limi (M.Mirzayev), tuman Mahalla va nuironiylarni ko'lab-quvvatlash bo'limi (X.Nazarov) hududlarda yangi nomlangan va nomlari o'zgartirilgan aholi punktlarining tarkibiy qismlarining yangi nomlari yozilgan ko'rsatkich va belgilar, peshlavhalarni zamonaviy dizayn

Tumanda nomlari o'zgaradigan ko'chalarning ro'yxati

T/r	Geografik obyektning turi	Joylashgan o'ri	Geografik obyektning amaldagi nomi	Tuman komissiyasi tomonidan berilgan taklif	Ekspert komissiyasining xulosasi
1	Ko'cha	“Kosiblar” MFY	“Quvonchli”	1. “Oriyat” 2. “Hidoyat”	Takliflardan Hidoyat nomi tavsiya etiladi. Qonun hujjatlari talablariga muvofiq.
2	Ko'cha	“Dashtig'oz” MFY	“Mehrig'o'yo”	1. “Novza” 2. “Mardonavor”	Takliflardan Novza—nomi tavsiya etiladi. Qonun hujjatlari talablariga muvofiq.
3	Ko'cha	“Yuqori Machay” MFY	“Umid niholi”	1. “Qashqar” 2. “Bozor”	Takliflardan Qashqar nomi tavsiya etiladi. Qonun hujjatlari talablariga muvofiq.
4	Ko'cha	“Bibishirin” MFY	“Chashmali”	1. “Shirinbuloq”	Takliflardan “Shirinbuloq” “Geografik obyektlar nomlarining o'zbek tilida yozilishi” qoidalariga asosida normalashtirildi.
5	Ko'cha	“Dashtig'oz” MFY	“Shabboda”	1. “Artizan” 2. “Serjilo”	Takliflardan “Serjilo” nomi tavsiya etiladi. Qonun hujjatlari talablariga muvofiq.
6	Ko'cha	“Gaza” MFY	“Islohot”	1. “Markaz” 2. “Tojmahal”	Takliflardan “Tojmahal” nomi tavsiya etiladi. Qonun hujjatlari talablariga muvofiq.

ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ ЭНДИ БУНДАЙ МАҲСУЛОТНИ ФОШ ҚИЛГАН ШАХС ҲАМ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Муддати ўтган товарларни сотиш бугунги куннинг энг оғриқли муаммоларидан бири саналади. Муаммонинг айнан инсон ҳаёти, саломатлигига хавф солиш даражаси юқорилиги эътиборга олиниб, қонунчиликда қатор ўзгантиришлар киритилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 4 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-110-сонли “Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор шулар жумласига кирилади.

Қарорга кўра мазкур қонун бузилиши ҳолатлари доираси билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилган. Жумладан, этил спирт, алькогол ва тамаки маҳсулотининг ноқонуний муомаласи, санитария қонунчилиги ва ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади. Шунингдек, ўзгачан товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, географик кўрсаткичидан, товар келиб чиққан жой номидан, адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгидан ёки фирма номидан

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларимиз ички йўлларини таъмирлаш, реконструкция қилишга алоҳида аҳамият қаратилиб, негадир шаҳар бош кўчаларининг аҳволи ҳеч қимми қизиктирмай кўйгандек эди, гўё.

Албатта, ички кўча ва йўлларимизнинг равлонлашётгани таҳсинга лойиқ иш. Аҳоли учун қўлайлик яратиш, хусусан, мавжуд инфратузилларимизни замонага мослаштиришда гап кўп. Бирок, ҳар ҳолда неча ўн йиллардан буён дурустроқ таъмир кўрмаган бош кўчаларимизнинг аянчили аҳволи шаҳар аҳолисининг гашига тегиш баробарида узоқ-яқиндан таширф буюрувчи меҳмонлар олдида барчани изза қилаётгани ҳам бор гап эди-да.

Мана, қариб беш ойдирки, вилоятимизнинг янги ҳокими Улуғбек Қосимов деярли ҳар кўнлик иш фаолиятини қайси бир туманга таширфдан бошлайди. Ўшандай фойдали таширф туманимизда ҳам камида ҳафтада бир маротаба бўлиб турибди. Кейинги ойларда туманда мавжуд бўлган ўнлаб долзарб муаммоларга ечим топилгани, қанчадан-қанча мурожаатларда кўтарилган масалалар жойида ҳал этилаётгани ана шу таширфлар самараси дея бемалол айтиш мумкин. Улар орасида Оби ҳамда “Мустақиллик” маҳалласини боғловчи уч километрлик асосий кўчани реконструкция қилиш, сув йўли ариқларига бетон лотоклар ётқизиш ва кўча атрофларини ободонлаштириш, ичимлик суви қувурларини янгиллаш — шахсан вилоят ҳокимининг таклифи ва кўрсатмаси асосида амалга оширилмоқда.

Туман ҳокими Б.Шукровнинг назорати остида амалга оширилаётган реконструкция ишлари жуда қисқа муддатларда бажарилиши белгиланган. Шу боис бу ерда туман йўл пудрат қўрилиши корхонасининг кўлаб мутахассислари ва бошқа тегишли корхоналарнинг ходимлари куну тун тўхтовсиз ишни

Кўчалар чироё очмоқда

ташкил этиптилар. Натижада бир неча кун ичида белгиланган уч километрлик масофанинг асосий қисмида ишлар бажарилиб, йўл қора қоплама билан асфальтланди. Айни пайтда йўлнинг энг оғир қисми — 6-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳудудидан “Олмазор” ва “Фаровон” кўчалари туташ қисмигача бўлган ҳудудда икки босқичли — шағал босиш, текислаш ва қора қоплама



қоплаш ишлари жадаллик билан давом эттириляпти. —Мазкур кўча шаҳримиздаги энг серкаторн кўча эканлиги, қолаверса, у шаҳарнинг энг гавжум ташкилот, корхона, муассасалар ва аҳоли кўп жойлашган ҳудуддан ўтишини инобатга олиб, вилоятимиз ҳокими Улуғбек Қосимов айнан ушбу йўлни биринчи навбатда қайта реконструкция қилиш таклифини бердилар, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Нормуミノов. —Умуман олганда, туманда туризмин ривожлантириш бугуннинг бош масаласи бўлиб турган бир пайтда шаҳарнинг асосий кўчаларини замонавийлаштириш ҳар доимгидан зарур. Лойиҳа якунига

қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгиланади.

Эндиликда қарорга мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, контрафакт ва истеъмолга яроқсиз товарларни ишлаб чиқариш ҳолатлари ҳамда уларнинг айланмасига чек қўйишда жамоатчилик назорати ҳам кескин кучайтирилади. Унга кўра, мурожаатлар ягона ахборот тизими орқали қабул қилинади ва улар ваколатли органлар томонидан қисқа муддатларда кўриб чиқилиши таъминланади. Таъкидлаш жоизки, эндиликда муддати ўтган, сифатсиз товарлар ҳақида хабар берган шахслар рағбатлантирилади.

Президентимизнинг мазкур қарорларидан келиб чиқадиган талаблар ҳамда амалдаги қонунчиликка кўра фуқаролар аҳолига хизмат кўрсатиш нуқталарида муддати ўтган истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар реализация қилинаётганлигини аниқлаганларида бу ҳақда тегишли идораларга мурожаат қилишни унутмасликларини сўраймиз. Бу билан сиз ўзингиз ва яқинларингиз ҳаётини турли хатарлардан ҳимоя қилган бўласиз.

3.ХАМРОЕВ,
туман юридик хизмат кўрсатиш марказининг бош юрисконсулти.

етиши билан нафақат ушбу кўчага туташ маҳаллалар аҳолиси, балки бутун шаҳримиз аҳолиси учун ҳам, транспорт ҳаракати учун қўлайлик ва имконият яратилиши шубҳасиз. Тан олиш керак, амалга оширилаётган ушбу лойиҳа мустақиллик йилларидан кейинги шаҳримиз асосий кўчаларида бир вақтнинг ўзида 3 километрлик масофада йўл реконструкцияси бажарилаётган биринчи ҳолат.

Мутахассисларнинг изоҳига кўра асфальтлаш ишлари якунланиш қаторида йўлнинг икки қирғоғидаги ариқларга бетон лотоклар ётқизиш ишлари ҳам амалга оширилади. Бу биринчи навбатда неча йиллардан буён рўй бериб турувчи ариқ сувининг кўчага тошиб чиқиши, қўббола ариқларнинг ўпирилиб тулиши каби ноқулайликларни бартараф этади.

М у х т а р а м Президентимизнинг ҳар бир қилаётган ишимиз, бажараётган амалларимизда инсонга эътибор ва инсон қадрини жойига қўйиш мудом ўз аксини топиши лозимлиги тўғрисидаги таъкидларининг мазмун-моҳияти, агар эътибор қилсак, жуда кенг, чексиз. Бойсунда вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бошланган ва бугунги кунда туман ҳокими раҳбарлиги, тегишли мутахассислар ва мутасаддилар ҳамкорлигида амалга оширилаётган хайрли ишлар, жумладан, биз тилга олаётган шаҳримиз бош кўчаларидан бирида олиб борилаётган ишлар замирида ҳам аслида инсонга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга эътибор каби олиий ниятлар мумжасам.

Умид қиламизки, бу каби ибратли ҳаракатлар бардавом бўлғуси...

Даврон ОРИФ.

XAIQ DEPUTATLARI BOYSUN TUMAN KENGASHINING QARORI

Boysun tumanidagi “Hunarmandlar” mahalla fuqarolar yig'ini nomini Sariosiyo nomiga o'zgartirish to'g'risida

“Mahalliy davlat bokimiyati to'g'risida”gi, “Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari to'g'risida”gi va “Geografik obyektlarning nomlari to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonunlari hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 4-martdagi “Shaharlar, posyolkalar, qishloqlar va ovullarning mahallalarini tuzish, birlashtirish, bo'lish va tugatish, shuningdek ularning chegaralarini belgilash va o'zgartirish, ularga nom berish va ularning nomini o'zgartirish tartibi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida”gi 48-sonli Qarori, Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash bo'yicha tuman komissiyasining 2022-yil 26-dekabrda 11-01/166-sonli yig'ilish bayoni, Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha viloyat komissiyasining 2023-yil 3-fevraldagi 18-07/16-sonli yig'ilish bayoni hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining 2023-yil 8-fevraldagi 08-00956-sonli xatlarini inobatga olib, xalq deputatlari tuman Kengashi

QAROR QILADI:
1.Boysun tumanidagi “Hunarmandlar” mahalla fuqarolar yig'ini nomini Sariosiyo nomiga o'zgartirish to'g'risidagi Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash bo'yicha tuman komissiyasining 2022-yil 26-dekabrda 11-01/166-sonli yig'ilish bayoni, Geografik obyektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha viloyat komissiyasining 2023-yil 3-fevraldagi 18-07/16-sonli yig'ilish bayoni hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligining 2023-yil 8-fevraldagi 08-00956-sonli xatlari ma'qullansin.
2.Tumandagi “Hunarmandlar” mahalla fuqarolar yig'ini nomini o'zgartirish bo'yicha takliflar ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
3.Tuman statistika bo'limi (A.Saidov) davlat kadastrlar palatasi tuman filiali (M.Jo'rayev), tuman Mahalla va nuroniylarni qo'llab-quvvatlash bo'limi (X.Nazarov), tuman qurilish bo'limi (M.Mirzayev) va boshqa tegishli mutasaddi davlat organlari bilan birgalikda nomi o'zgartirilgan mahalla fuqarolar yig'inini davlat ro'yxatidan o'tkazish va elektron bazani shakllantirish, ish

Boysun shahri, 2023-yil 3-may, 000/VI-63-son.

САВОЛ БЕРГАН ЭДИНГИЗ...

Ходим ишдан бўшатишган, лекин у меҳнат дафтарчасини олиб кетиш учун ишхонага келмаяпти. Меҳнат дафтарчасини почта орқали унинг уйига юборсам тўғри бўладими? Бу ҳолатда қандай йўл тутиш керак?

“Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 3.3-бандига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ҳодим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша кунийёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома юрнатиши керак.

Ходимнинг меҳнат дафтарчасини яшаш жойига почта орқали жўнатиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади.

Демак, ишдан бўшаган ходимга дастлаб почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида хабарнома юбориб, огоҳлантириш керак. Агар ходим ўзи кела олмай, меҳнат дафтарчасини почта орқали юборишни сўраса ёки бунга розилик берса, ана шундагина дафтарчани почта орқали унга юбориш мумкин бўлади.

Н.ШОИМОВ,
туман юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

Танишимдан уйини сотиб олмоқчи эдим, аммо уй эгасининг 16 йиллик кредит тўловлари бор экан, шунинг учун уй ва кредит тўловларини уй эгаси номидан ўтказиб олсам бўладими?

Биздан маслаҳат олиш учун келган фуқаронинг мурожаатини атрофлича ўрганиб, унга қуйидагича жавоб бермоқчимиз.

Фуқаролик кодексининг 322-моддасига биноан қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади. Зотан, янги қарздор кредитор билан дастлабки қарзлар ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақлидир.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавоб беришга рози бўлмасалар қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан кафиллик ёки учинчи шахс номидан белгиланган гаров бекор қилинади. Демак, банк рози бўлган тақдирдагина юқоридаги ҳаракатларни амалга ошириш мумкин.

А.АБДИРАХИМОВ,
туман адлия бўлими ЮХКМ бош юрисконсулти.

Ҳар бир ота-она учун фарзандларининг камол топиши, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши учун моддий жиҳатдан таъминлаб бориши улар учун нафақат мажбурият, ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Хатто эр-хотин кейинчалик алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда ҳам, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг айба кекоси 117-моддасида эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шартлиги, бундай ёрдам беришдан

бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек, хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола 18 ёшга тўлгунча ёки болаликдан биринчи гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот

Деярли ҳар кун фуқаролар хизматига мўлжалланган икки қаватли замонавий кошонамизга қадам кўяр эканман, шу бино қурилиши учун елиб-югурган устозимиз Назокат опа Эшқурбонованинг ҳаёт йўли ёдимга тушди.

Дарҳақиқат, Бойсунда устоз Гулсара Равшановадан кейин унинг ишини давом эттириб, нотариал соҳада фуқароларга намунали хизмат кўрсатган аёллардан эди у. Буни қарангки, ҳам ФХДЁ, ҳам нотариал идорасининг янги биноси қурилиб, ишга туширилганда унинг биринчи соҳиббаси бўлиш ҳам Назокат оламизга насиб этганди.

Кунда фуқароларнинг мурожаатларини тинглаш, уларнинг юридик ва нотариал ишларини ҳал этиш, йўл-йўриқ кўрсатишдаги фаоллигини кўриб, биз шоғирдлар фақат ҳавас билан кузатардик. Қанчадан-қанча оилавий,

1933 йилда Термизда ташкил этилган Сурхондарё вилоят давлат музейи нафақат республикамиз, балки собиқ иттифоқ республикалари орасида очилган илк музейлардан бири эди.

Уни ташкил этиш, экспонатлар билан бойитишда жуда кўп меҳнатлари сингган тарихшунос-археолог олим Г.В.Парфёнов кейинчалик мазкур музейнинг биринчи директори сифатида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келган. Ушбу олимнинг фикрига кўра, ўша йиллари “Сурхондарё давлат туманлараро музейи” номи билан фаолият бошлаган музей вилоятнинг ўзига хос табияти, маданияти, халқ ҳўжалиги ҳаётини ва санъатини ўрганиш ҳамда тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилган.

Жорий йилда 90 йиллиги нишонланаётган музей ўз фаолиятини мингга яқин экспонатлар билан бошлаган бўлса, 1957 йилга келиб уларнинг сони 35108 тага етказилди. Айни пайтда музей фондида 16 йўналишдаги 62 мингдан ошиқ экспонатлар мавжуд бўлиб, уларнинг 1500 таси жуда ноёб экспонатлар тоифасига киритилган.

Мустақиллик йилларида вилоятимизнинг ўзига хос бекиёс маданий-маънавий тарихи ҳақида бой маълумотларга эга мазкур музейни янада

ривожлантириш, кенгайтириш ва тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берила бошланди. Энг асосийси, собиқ иттифоқ даврида ҳамisha аянчли шароитдаги бинода фаолият кўрсатиб келган ушбу муассаса икки қаватли замонавий биного кўчирилиб, дунё талабларига жавоб берувчи шарт-шароитлар яратилди.

Бугун расман “Термиз Давлат музей-қўриқхонаси” номи билан аталаётган музейнинг дастлабки экспонатлари тошдан ва суякдан ясалган меҳнат қуроллари бўлиб, улар вилоятимизнинг турли ҳудудлари, хусусан, Тешиктош, Мачай, Амир Темур гори (Бойсун тумани)дан топилган археологик осори-атиқалар ҳамда Зараутсой камари қояларида битилган қадимий ноёб рангли суратларнинг намуналари эди. Кейинчалик, вилоят ҳудудида олиб борилган кенг қўламдаги археологик қазимшалар асосида олиб борилган илмий изланишлар натижасида Термиз тумани ҳудудидаги Чингизтепа, Шўрчи туманидаги Далварзинтепа, Музработ тумани ҳудудидаги Кампиртепа (Окс Александрияси) ва бошқа ўнлаб тарихий манзиллардан топилган ноёб археологик осори-атиқалар ҳам музей экспонатлари қаторидан жой олган. Музейга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 433-сонли қарори билан Давлат

АЖРАЛИШНИНГ ОҚИБАТИ ЁМОН

(алимент) олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб ўтилган. Умуман олганда, бугунги кунда ажралишлар, оиалаларнинг барбод бўлиши кечирилмас ҳолдир. Қайсики, фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолиши, кейинчалик уларнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқига таъсир қилиши мумкин. Аммо айрим эр-хотинлар буни тушунмаган ҳолда жиндек

муносабатлари бузилган тақдирда ажралиш пайига тушиб қоладилар. Биргина мисол, фуқаролик ишлари бўйича туман судига даъвогар Гулнора Пардаева (исми-фамилияси ўзгартрилган) даъво аризаси билан мурожаат этиб, собиқ турмуш ўртоғи Умар Шамсиев билан 2021 йилнинг 1 январида қонуний никоҳдан ўтиб яшаганлиги, ўзаро

келишмовчиликлар сабаб бугунгача алоҳида яшаётганлиги ва ўтган йил 2 ноябрда туғилган ўғли Ғолиб Шамсиев учун алимент ажратиб беришни сўраган. Нахотки яна тирик етимлик?! Шундай бўлса-да, суднинг жорий йил март ойидаги ҳал қилув қарори билан қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогар Г.Пардаева фойдасига ўғли Ғолиб уч ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг ўттиз фоизи

миқдорида моддий таъминот ундириш ҳақида қарори эълон қилинди.

Тўғри, бу билан ҳаёт тўхтаб қолмайди, давом этаверади. Аммо “турмуши бузилган, ажралган, боласи учун алимент оларкан” деган гап қаердаю, ширин-шакар оиласини гуллатаётганда қаерда?

Л.УСАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича туман суди раиси.
М.ХОЛИҚОВА,
туман ФХДЁ бўлинмаси инспектори.

Афсуски дўстимиз Сайдуллажоннинг ўтган йил ёзган “Темир тугмача” сарлавхали мақоласи бизга кечроқ етиб келгани боис фойдаланилмай қолганди. Бу йил эса кизи Гулбаҳор Самадованинг эслатганидан сўнг...

...Кўча-кўйда ҳамма билан доимо дўстона муносабатда бўладиган, қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб кулдирадиган ва “даврабо-ши”ликини касб қилиб олган Сайдулла Самадов бир йил аввал бу ёруғ дунёни тарк этган эди. Аммо кизи Гулбаҳоройнинг ёдида бор экан: “—дадамнинг ёзганларини газетага чоп қилса бўлмайdimи...”

Бўларкан, жуда қизиқ ва хотирабоп воқеалар тилга олинганлиги боис бу бошқаларни ҳам қизиқтириб қолса керак.

—Болалик воқеалари ҳамisha ёдимда, — деб бошланган эди Сайдуллонинг қоралаларида. — Биз кўпчилик бўлиб бир ҳовлида яшардик. Бобом Самадбой ва Фазилат момом етти ўғилни ўстириб, вояга етказишган. Умбар, Аъзам, Оллоқул, Мавлон, Аваз амакимлар эл қорига яраган инсонлар эди. Биз Омон, Раҳмон амакиларимни кўролмаганмиз. Урушга кетиб, қайтиб келишмаган — ҳалок бўлган эканлар. Шундоқ

ТЕМИР ТУГМАЧАНИНГ СИРИ

ҳам уй тўла: —невара, чевара, эваралар билан момогинамнинг ардоқларида яшардик. Биз ҳаммамиз момом рўмоллари учиди темир тугмачани тугиб юришини билсак-да, негалигини асло тушунмасдик. Қолаверса, ўшандай тугмачалар кўпу аммо ўша униқан тугмача момом учун азиз ва муқаддас саналарди. Бирда бўлаларимдан бири момомом ухлаб ётган пайтда ҳазиллашибми рўмоллари учидаги тугмачани ечиб олибди денг, бўлди қиймат-қойим. Момомнинг йиглаб “ана энди тўзиб кетамиз”, дея зорланганларга ҳаммамизнинг раҳимизни келибкетди. Ва асло бундай қиласликка ўзимизча куч топдик.

Ха, момомнинг тугмачани асраши юрт тинчлиги, рўзғор бутлиги, ака-укалар ва уларнинг оилаларининг иноқлиги учун эканлигини кейинроқ англаб етдик. Энг қизиги, момом жон берганларидан кейин саллалари учини излаб темир тугмачани тополмадилар, фақат ювувчиларнинг айтишича, ўша темир тугмачани қафтлари орасига олиб, жон берган эканлар. Ха, Омон амакимнинг қолдирган ёдгорликлари момом учун азиз ва муқаддас бўлиб қолганди...

Марҳум дўстимиз Сайдулло Самадовнинг мактубини оққа кўчирувчи П.НАЗАРОВ.

Ҳар, ки дида ба дунё боз кард, ў хоҳу ноҳоҳ дунёи дорулфаноно падруд хоҳад гуфт. Борҳо шоҳид шудем, ки хангоми рехлати одамон аз иштирокдорони рўзи видоъ мекурсанд, ки банди мўймин чй гуна ашхосе буд. Ва агар майити хозиристода дар кўи неқномихо гузар карда бошад ва умуман умре ба дарди халқ зиста бошад, дар ғайбаш хозирин чй гуна шахс будани ўро арзёбй мекунад. Воқеан, дар рўзи чазо ҳеч кас аз ин бозпурсй беруи намонанонд. Дар рўзи видоъи яке аз собиқ раисони хоҷагии “Дарбанд”, шодравон Чўра Карим замоне чунин бозпурсй ба вуқўъ омада буд. Издихоми мотамсаро бо як овоз дар бораи хислатҳои ҳамидаи ин марди неққадам арзёбй карда, дар чашмонашон ашқи ғам чун абри найсон бедареғ ба руксораҳо мерехт.

Боре шиноси деринаам қисса кард, ки ҳузурй ўро дар маъракеа хостанд. Як нафар даъватии аҳли давра суханро аз корҳои кишоварзй оғоз карда, ёдовар шудааст, ки замоне раиси валаматҳуе сарвари хоҷагии деҳаро ўҳда мекардааст. Чанд соли, ки дар ин вазифа кору фаъолият доштааст, заррае аз осмон наме наҷакида хоҷағй ба аҳли сокинони деҳа ба ҳоли зоре гирифтор мегарданд.

Айни кишти баҳорй. Дар пуштақўҳе ғурўҳе машғулы кор буданд. Аспсавор раиси хоҷағй ба сари кори чуфтронон меояд. Пас аз ҳолпурсй бо дуғу диранг мекурсад, ки чаро суръатй қорашон суст аст. Яке меғўяд, ки ду сол боз аз осмон наменачакидааст чй хел замин обу тоб ёбад. Ва сониян, иброз мекунад, ки аз омад-омади баҳор пайдост, имсол низ мисли соли гузашта аз за-

РАИСИ НЕКҚАДАМ

мин ҳосил гирифтано Худой яккаву ягона надо-над, ҳеч кас пешғўй карда натавонад. Ин чавоби чуфтрои ғазоби раисро меорад.

—Ман аз шумоён боридани боронро наменкурсам, — бо тамоми овозаш ба сари чуфтронон дод мезанад раис, — балки суръатй кишти баҳорй мекурсам. Ин дам барзгаре, ки ҳамагон ўро “доночааш” ном мебудрданд, нахўди пешй чумча шуда, ғапи ҳамкори хешро тақиятй медиҳад.

—Раис, мардум беҳуда намеғўянд: “Обро дида мўза каш, хаворо дида ғоза каш”.

—Ин дам овози раис боз ҳам баланд садо дода, ба сари “доноча” дўғу пўписа карда ўро дашном медиҳад.

—Оё ту ба назди Худо рафта омадй, чунин қазоват мекуни. Агар лозим ояд, худй ман боронро меборонам, туву дигарон хавотир нашуда, суръатй шудгорро тезонед.

“Доноча” ин чавоби раисро шунида даъфатан бо заҳарханда меафзояд:

—Мебахшед, раис, мо намедонистем, ки шумо чунин қудрату тавоной доштед, агар чунин каромат доштед, чаро онро соли гузашта нишон на-додед, ки қолхоз то геғирдакаш ба қарз ёғид ва мардум то ба ҳол ба як пора нон зоранд.

Раис дар ин лаҳза ба ҳолати ногуворе монда, ҳахру ғазоби худро нигоҳ дошта натавониста ба сари “доноча” чанд қамчин зада, лаҷоми аспро ба сари замини чуфтронони дигар тоб медиҳад. Аспу савораш зуд аз назарҳо нопадид мегардад. Пас аз шунидани ин қисса нафари дигаре дар бораи кору фаъолиятй собиқ раиси хоҷа-

Янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистонни “иҷтимоий давлат” деб белгиланганлигининг аҳамияти беқиёс, яъни иҷтимоий давлат — ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан, сифатли таълим, қафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, иҷтимоий ёрдам ва хизматлар тизими яратилган, уй-жойли бўлиш шароити мавжуд бўлган, иҷтимоий тафовутлар юмшатилган, мувозанатлаштирилган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлатдир.

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукци-

Маълумотларга кўра ўтган йиллар давомида фуқароларнинг сувда чўкиши билан боғлиқ фавкулотда вазиятлар ва бахтсиз ҳодисалар натижа-сида жуда кўплаб инсонлар ҳалокат қурбониға айланган. Асосан, фуқароларнинг сувда чўкиб, ҳалок бўлишлари чўмилиш тақиқланган (рухсат этилмаган, махсус жиҳозланмаган, чуқур ва тезоқар) сув ҳавзаларида содир бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 май кунидаги “Ўзбекистон Республикаси акваторияларининг пляж зоналарида дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 164-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавкулотда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 20 майдаги буйруқномаси ижросини таъминлаш юзасидан қўриқланмайдиган сув ҳавзаларида аҳоли чўмилишини чеклаш ва сувда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 25 май кунидан 25 сентябр

Дарҳақиқат, иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари бўйича тадқиқот ўтказишга қарор қилди.

Бунинг учун берилган саволларга онлайн тарзда жавоб бериш сизнинг фуқаролик бурчингиз. Шуни айтиш жоизки, сўров жавоблари мутлақо аноним тарзда қабул қилиниб, маълумотлар базасида сақланмайдди. Фақат сизнинг юртимизда кечаётган ислохотларга муносабатингиз Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатини янада тако-

гии “Дарбанд” Чўра Карим сўхбати хешро оғоз мекунад. Ў таъкидан қайд мекунад, ки Чўра Карим раиси неққадам бауд.

Дар чаҳор соли раисиаш аъзоёни хоҷағй номбурда ҳар сол плану ўҳдадорихояшро барзиёд ичро мекардааст ва халқ низ аз ин фаровониҳо бенасиб намонондааст. Ў бо шавку завкй тамои меғуфт, ки чаву гандум дар анборҳо намеғунҷид. Раис ин холро дида дар хоҷағй анбори иловағй бино мекунад, вале боз ҳосил дар анбор беруи мемонд. Аъзоёни правления қарор мекунад, ки ғаллаи зиёдағиро ба ичорақорон, даҳмардаҳо, нақлиётчиён тақсим кунанд. Аз ин боис ҳамагон ўро раиси неққадам ном мебудрданд.

Чўра Карим дар оилаи деҳқон таваллуд шуда, баъд хатми таълимгоҳи ҳамагонии деҳа ба техникуми кишоварзйи шаҳри Самарқанд дохил мешавад. Азбаски солҳои мактабхонаиаш аз фанҳои дақиқ шавку завкй беандоза дошт, ин фанҳоро мударо бо баҳои аъло меҳонд. Боре роҳбари синфашон дар ҷамъбасти чоряқҳо аз Чўраи наврас мекурсад, ки чаро ў фанҳонй дақиқро бо баҳои аъло ҷамъбааст карда вале аз дигар фанҳо баҳои қаноатбахш нағирифтааст. Ў он замон дар назди устодаш музтарибуи хайрон чй хел ба ин суол посух додани хешро намедонист. Ин дам устодаш мушкили шогирди хешро осон карда меафзояд, ки қалити ҳама илмҳо фанҳои дақиқ ба ҳисоб рафта, касе ки ин фанҳоро хуб азбар қунад, омухтани фанҳои дигар барояш осон мегардад. Чўра Карим аз ин посухи устодаш баҳра бардошта дар ҷамъбасти чорақҳои навбатй дигар фанҳоро низ бо баҳои аъло меҳонад. Ҳамин сон ў техникумро

бо баҳои аъло хатм карда, ба хоҷагии “Сайроб” ба ҳайси ёрдамчийи мўҳсиби ба кор оғоз мекунад. Чун дар деҳаи Дарбанд хоҷагии ном ташкил меёбад, ў бе ҳеч дудилағй ба ин чо ба кор меояд. Дар хоҷагии навташкил дар вазифаҳои мўҳсиби шўъба, иқтисодчй ва баътар ҳамчун сармуҳсиби фаъолият нишон медиҳад. Супоришҳои роҳбариятро бе каму кост ба сомон мерасонид. Дидадаро буду зуд бо одамон забон меёфт. Дар ин давр ў асрори кори мўҳсибро аз ҳамкорон ва дигар мўҳсибони таҷрибадор омухта, дар касбу кори хеш устувор мегардад. Дар муддати мадиде дар байни ҳамкоронаш бо заҳматписандй ва субот-қориаш ба чашм намоеён мегардад.

Раиси хоҷагии Дарбандро роҳбарони ноҳия ба вазифаи дигар мегузаронанд. Аҳли ҷамоа аз роҳбарон хоҳиш мекунад, ки аз минтақаи дигар раис оварда ба мансаб шинондан кор пеш наҳахад рафт. Дар байни қормандони хоҷағй шахсо-ни босалоҳияту чашми қордон мавҷуданд, ки бечуну чаро аз ўҳдаи идорақардани хоҷағй қудрату тавоной доранд. Ҳамин тариқ, ба дўши Чўра Карим роҳбарии хоҷағиро месупоранд.

Чуноне ки дар оғози ин навишта иброз наму-дем, давраи фаъолияташ Чўра Каримов ҳамчун раиси неққадам маълуму машхур гашт. Аз он солҳо солҳои зиёде сипарй шуда бошад ҳам, то ба ҳанўз одамон аз хислатҳои хайрандеши ва нек, қадами ин марди хоксор ба неқй ёд мекунанд...

Нуралӣ РАҶАБ.

он орқали ер участкасини “сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бе-риш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг (122-сон, 23.03.2023 йил) қабул қилинганлиги — бу Кон-ституциядаги аҳолини ижтимоий ҳиҳатдан эҳти-ёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларида инсоннинг муносиби яшашини таъминлаш ҳисобга олинган-лигининг яққол намунасиدير.

Қабул қилинган мазкур Низомга кўра, ер уча-сткасини аукцион орқали сотиб олиш харажатла-ридан келиб чиққан ҳолда, оиласи таркибида но-гиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъий назар, БХМнинг 100 бараваригача (30 млн сўмгача) миқ-дорда бир марталиқ ўлчов ажратилиши, бунда ха-

Чўмилиш қондасига амал қилинг!



си — саломатлик ва хавфсизлик гарови” мавзуларида давра суҳ-батлари, профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Шундай экан, ёз мавсуми давомида чўмилиш билан бо-лиқ бахтсиз ҳодисалардан ўзингиз ва яқинларингизни асранг!

Д.АБДУРАХИМОВ, туман ФВБ НТВ бошлиғи.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИ МУҲИМ

миллаштиришда муҳим рол ўйнайди. Ўз шах-сий маълумотларингизни қайт этганингиз-дан сўнг кейинги уч ойида товар ҳамда ноо-зйқ овқат ва хизмат турларининг нархлари, бунга аҳолининг муносабати, яшаш ва банд-ликни таъминлашдаги имкониятлар, оилавий даромаднинг манбаи, даромадларни сақлаш ва режалар агарда қорхона, ташкилотларда фаолият юритаётган бўлсангиз, иш берувчи

“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ГОЯСИ — БУТУНГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ ТАМОИЛИ

ражатлар ушбу миқдордан юқори бўлган ҳолларда БХМнинг 100 бараваригача (30 млн сўмгача) бўлган қисми қоплаб берилиши белгиланган.

Низомда белгиланган имтиёзли тоифадаги шах-слар қуйидаги мезонларга мувофиқ келиши керак, жумладан: шахснинг охириги 12 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номиди яшаш учун мўлжалланган ту-рар жойи ёки ер участкаси мавжуд бўлмаслиги, ер участкаси охириги уч ой ичида аукцион орқали харид қилинган ва Ўзбекистон ҳудудида бўлиши, ногирон-лиги бўлган шахс деб топилган, шунингдек, “Те-мир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”-нинг бирида турган бўлиши лозим.

кунига қадар “Сувда бахт-сиз ҳодисаларнинг олдини олиш ойлиғи” деб эълон қилиниши муносабати би-лан жойларда “Чўмилиш тақиқланади” шиори ости-да банерлар ишлаб чиқи-либ, анҳор, канал, дарё, сой, сунъий сув ҳавзала-ри ва аҳоли гавжум бўлиб чўмиладиган жойларга осиб қўйилди. Бундан та-шқари, дам олиш маскан-лари, ўқув муассасалари ва ўзини-ўзи бошқариш органларини жалб этган ҳолда ўқувчи, талаба ва иш билан банд бўлмаган аҳоли ўртасида “Сув ҳав-заларида чўмилиш қоида-

си — саломатлик ва хавфсизлик гарови” мавзуларида давра суҳ-батлари, профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Шундай экан, ёз мавсуми давомида чўмилиш билан бо-лиқ бахтсиз ҳодисалардан ўзингиз ва яқинларингизни асранг!

Д.АБДУРАХИМОВ, туман ФВБ НТВ бошлиғи.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИ МУҲИМ

ишлаётганларга бераётган имкониятлари, меҳ-натнинг қадрланиши ҳамда ҳар қандай ноҳуш ҳолатларга таъсирчанлик ҳолатларини умум-лаштирган ҳолдаги маълумотларини онлайн тарзда юборсангиз, шубҳасиз, республика иқтисодиётини янада жадаллаштиришга ўз ҳис-сангизни қўшган бўласиз.

Ҳикматилло УМАРОВ, туман адлия бўлими ДХМ бош мутахассиси.

ГўШАИ ОХИРАТ

Шавкат Салимов яке аз ус-тоҳои гулдасти деҳаи Широнобод аст, ки дар оилаи усто Халил ном инсони соҳибдил ба дунё омада-ву нозуқиҳои ин пешаро аз падар омўхтааст. Аз ҷавонӣ ба ин касб дил баста, чун падар нони худро аз устоғӣ пайдо мекард. Нақши дастони ўро аз ҳар иморати хо-наҳои мардуми деҳа ва берун аз он метавон пайдо кард. Дар пе-шаи худ хеле пеш рафта, маҳбу-би ҳамагон шуда буд. Аммо гурги ачал ин устои номвари деҳро дар айни камолот аз байни мо рабуд.

Дар ҷашни рўзи мавлуде дар хонаи ҳолаам нишаста будем, ки хабари ноҳуше моро парешон кард. Писарчаам телефонӣ хабар дод:

—Дадаҷон! Амаки устоям, ки дирўз ба шумо ёри расонда бу-данд, бандағй қарден, — гуфт ў.

Гўё аз сари ман як сатил оби сард рехта бошанд, тамоми ву-ҷудам қарахт шуд. Акнун, ки мо ба ош даст дароз карда будем, он луқма беихтиёр дар табақ монд. Чун ба кўча баромадам, тамоми аҳли деҳ хабар ёфтаву об дар чашмон аз усто Шавкат меғуфтанду афсўс меҳўрданд. Ҳамсояҳо ва хешу таборҳо: — Усто Шавкат бандағй қарден, — гўён рост ба хонаи ў мерафтанд. Ман ҳам ба онҳо ҳамроҳ шудам. Ин хабар рост буд. Ҳама таас-суф меҳўрданду вучудашонро дарду алам таъзиқ медод. Ного-ҳонӣ ва бармаҳал аз байн раф-тани як инсонӣ арзанда, поки-ду нексиришт, устои гулдаст Шавкат Салимов барои ҳама саҳт аламангез буд. Усто Шавкат 19-уми апрели соли 1975 таваллуд ёфта, акнун 47-сола мешуд. Вай соҳибӣ чаҳор фарзанд, се писа-ру як духтар аст. Чӣ орзуҳои ши-рини бепоёне дар дил дошт. Орзу мекард, ки даври фарзандонро бинад, соҳибӣ набеҳаро шудаву онҳоро гарм ба оғуш гирад. Аммо ачал қай парвоя орзуҳои одами-зодро дорад. Чун паймонааш пур шуд, нопурсида бо худ хоҳад бурд. Ин тавр, усто Шавкат ҳам орзуҳои дилро ба ҳок бурд.

Бояд гуфт, ки усто Шавкат яке аз бошандағони аслии деҳ буд. Гарчанд саводи ягон даргоҳи олай надошт, аммо мактаби олии оди-миятро гузашта буд, таҷрибааш дар боби одамгарӣ қифоят буд, бо гуфтору кирдор ва пиндори некаш

исбот мекард, ки инсонӣ хубе аст. Вайро тамоми аҳли Бойсун меши-нохтанд. Ягон хонадоне набуд, ки кор накарда бошад. Қори тозае дошт ва муомилаи хубаш беихтиёр қасро ба худ ҷалб мекард.

Рўзи дағфи ў гўё замину ос-мон ба ғиря омад. Писарчаи хур-дияш, ки акнун синфи ҳаштумро тамои мекунад, бо чехраи ғамги-ну, чашми ғирён ба ман нигоҳ ме-кард. Гўё дар дил: —Устод, акнун падарам нест, ман ба қй эрқағй мекунаму ба қй дардаму меғўям, — меғуфт.

Ҳама ба хондани намози чо-наза саф қашиданд, дар паҳлўям каси ношиноси таҳминан 50-солае ме-истоду ҳиқ-ҳиқ ғиря мекард. Ба ман нигоҳ карда:

—Додар, усто Шавкат устои шинохтаи деҳаи Дарбанд ҳам буд, ба ман чандин неқй кардааст. Соли

Шунингдек, имтиёзли тоифадаги шахс аук-цион орқали ер участкаси сотиб олгандан бошлаб уч ой ичида ўз ҳудудидаги туман (шаҳар) камба-ғаллики қисқартириш ва бандлик бўлимига муро-жаат қилиши лозим, акс ҳолда ушбу муддатдан ке-чикиб берилган аризалар қўриб чиқилмайд.

Маблағ ажратиш тўғрисида белгиланган тар-тибда қарор қабул қилингандан сўнг беш иш кун-ида имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризасида кўрсатилган банк пластик ҳисобварағига маблағ ўтказилиши таъминланади.

Зокир ХАЙДАРОВ, туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

АРЧА ҚУРТИ

Айни пайтда давом этаёт-ган “зарбдор ўн беш кунлик” агротехник тадбирларни ўтка-зишда арча унсимон қуртига қарши кураш ишларини ҳам амалга оширишга тўғри кела-ди. Даставвал бу каби зарар-кунанда тарқалган ҳудудларни аниқлаш ва ички карантин ҳудуди сифатида рўйхатга олиш, арча кўчатларини бошқа жойга кўчиришга асло йўл қўймаслик керак.

Арча қуртига қарши кураш-да унинг тухумдан личинка очиб чиқиш даврида кимёвий препаратларни қўллаш юқори самара беришини инобатга олиб, зарарланган, жиддий ши-кастланиб, қуриш ҳолатига ке-либ қолган дарактларни кесиб, шу жойнинг ўзиди ёқиб юбо-риш лозим. Кейнчалик ҳам арча дарактларида ўшандай зараркунанда пайдо бўлса, фосфорли, азотли микроэле-ментлар ҳамда “Би 58” эле-ментининг 40 фоизлиси, шу-нингдек, “Бағира”нинг 20 фо-излиси, “Атилла”нинг 5 фоиз-ли эритмаси билан ишлов бер-ган маъқулроқ.

А.КЕНЖАЕВ, **Б.АБРАХМАТОВ,** туман ўсимликлар каран-тини ва ҳимояси бўлими ин-спекторлари.



те буд он рўз.

Ман ҳам аз неқиҳои усто Шавкат бархурдор шудам. Ба чан-дин кори ман дастӣ ёрй дароз кар-да, аммо дар ивази он ягон сўм на-ғирифта буд. Меғуфт, ки агар ҳама кори худро ба пул иваз қунем, са-воби Худованд чй мешавад? Вай қорҳои савоби худро барои сафа-ри охират чун тўшаи роҳ меғун-дошт.

Боре модарам, ки дар дами дарвоза рост меистод, рў оварда: —Холаҷон, як дуо қунед! — гуфт. Модарам дуо қарданд. Усто, ки гўё як тўҳфаи қимматбаҳо ғириф-та бошад, бо хурсандй ба мошин савор шуда, ба хонааш равона шуд.

Аҳли деҳ аз забони усто суха-ни баде нашунидаст. Батамкин, гарм ва пурмаъно суҳан меғуфт. Ёду номи некаш дар қалбҳо абади хоҳаҳ монд. Чун инсон ба ҳаёт ме-ояд ва вақташ ояд онро тарқ ўяд. Ба фикри мо, одам умри дароз бинаду, вале беамаънову аз ман-фиат ҳолй бошад, хушбахтй ҳисоб намеёбад. Вале шахс аз қазо ҳаётй қўтоҳе доштаву дар зиндағй аз худ нақши неке гузорад, бо қору фаъолиятй хубаш ва хислатҳои ин-сонияш дар дилу дидаҳо чой ша-вад дар назди Худованд ҳам му-қаррам аст.

Шодравон усто Шавкат Са-лимов гарчи умри дароз надид, вале зиндағии пурбаракоту пурмаъно дошт. Худованд он дунёашро обод ва манзили охираташро қарогон созад.

Зиндаву қовид монд, ҳар қй нақў ном зист,
К-аз ақибаш зикри ҳайр зинда қунад монд.
Анвар ХОЛОВ, **омўзғори мактаби раҳами 33-ум.**

